

**Глобаллашув шароитида миллий-маънавий  
қадРИЯТЛАРни асраш муаммоси**

*Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундиromoқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади.*

**Ислом Каримов**



Инсонни инсон миллатни миллат, халқни халқ қиласиган тушунча – бу шу инсоннинг, шу миллатнинг, шу халқнинг қадр-қимматидир. Қадрият шундай маънавий оламки, унинг турфа қирралари, минг бир жилолари, қувончу ташвишлари бор.

Ўзбек халқи қадрият, маънавият ва маданият, таълим ва тарбияга оид бой меросга эга бўлиб, асрлар мобайнида ёш авлодга инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат, биродарлик ва камтарлик каби умуминсоний фазилатларни ҳар томонлама чуқур сингдириб келган. Зеро, эртанги куни учун қайғурадиган ҳар бир мамлакат, ҳар бир жамиятда маънавият ва маърифат каби тушунчалар юксак қадрланган.

Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири деб эълон қилинган. Республикализнинг “Давлат тили ҳақида”ги ҳамда “Таълим тўғрисида”ги қонунлари, “Кадрлар тайёрлаш давлат дастури” ва бошқа меъёрий ҳужжатларида маънавий-маърифий, тарбиявий ва давлат тили масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси, аввало, маънавият ўзи нима, маънавий қадриятлар нима деган тушунчаларни теран англаши, қалбида ҳис қилиши даркор.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов таъқидлаганларидек, **Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир** (Қаранг: Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 19-бет).

Кўринадики, маънавият – инсонни руҳий покликка етаклайдиган, қалбини иймон-эътиқод нурлари билан чароғон қиладиган ва юксалтирадиган мезон. Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. Маънавият – аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса келажакка боғловчи кўприк вазифасини бажаради. У ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, улар тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади.

## ◎ ТҮҒРИЛИК

- ◎ Муқаддас Ҳадиси шарифда “Дунёда биргина түғри ва диёнатли одам топилар экан, ҳали қиёмат бўлмайди”, деб ёзилган экан. Яъни, түғрилик – дунёнинг посбони, диёнат борлиги – инсониятнинг мавжудлиги демакдир. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий маънавий меросида ҳам түғрилик, ростгўйлик, одиллик фазилатлари ва тушунчалари кенг ўрин эгаллаган. Унинг бутун ҳаёти ва фаолияти инсоннинг маънавияти, баҳт-саодати, ҳалқнинг осойишталиги, мамлакат фаровонлиги, ободончилик ишлари, меҳр-мурувват, илм-фан, санъат ва адабиётнинг равнақига бағишлиланган.
- ◎ Инсоннинг қадр-қимматини белгиловчи тамойиллардан бири – бу түғрилик ва поклик. Түғри сўзли бўлиш инсоннинг қадр-қимматини абадиятга муҳрлайди. Уни турли бало-қазолардан асрайди ва келажак сари етаклайди. Ёлғон сўзлаш гуноҳларнинг ичида энг оғири ва гуноҳларнинг боши сифатида илмий манбаларимизда қайд этилади. Ҳалқимизнинг “Ёлғоннинг умри қисқа бўлади”, “Ёлғончининг уйигача”, “Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқар” каби ибратли фикрлари бежиз айтилмаган. Чунки ёлғон сўзнинг бир кун келиб, ёлғон эканлиги очилади. Шунда ёлғон гапирган кишининг ўз қадр-қимматини йўқотиши, табиий. Ёлғон аралашган жойда поклик бўлмайди. Ёлғонларнинг мевасини териб еб юрган одамни ҳеч қачон пок одам деб бўлмайди. Ёлғондан тап тортмайдиган одам бошқа гуноҳ ишлардан ҳам тап тортмайди, чунки қилган гуноҳларини ана шу ёлғонлари билан хаспўшлаб, ҳеч кимни воқиф этмайди. Шунинг учун ёлғончининг икки юзи қора дейишса керак .

Тўғрилик ва поклик бор жойда эса ёлғоннинг умри тугайди. Тўғриликнинг нақадар муҳимлигини, уни тарғиб қилишни улуғлаб, аллома Алишер Навоий шундай дейди:

**Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.**

Кимки, ҳақ Таоло йўлида, яъни тўғрилик ва адолат йўлида бир ҳарф ўқитса, унинг ҳақини юз хазина билан ҳам адо этиб бўлмайди, демоқчи. Бу ерда тўғри ва одил фикрлайдиган, келажак авлодларни тўғриликка бошлайдиган усозлар ва мураббийларнинг хизматлари бебаҳо эканлиги назарда тутилган. Албатта, инсонни тўғриликка, адолатга, ҳаққа бошлаш осонлик билан амалга ошмайди. Унинг замирида қанчадан-қанча мөхнату машаққат, заҳмат ётади. Шунинг учун бундай заҳматкаш устозларнинг қадри юксак ва баланд бўлади. Уларнинг ҳақи ҳар қанча бойлик ёки хазинадан ҳам мўътабарроқдир. Қўйидаги сатрларда эса ана шундай мўътабарликнинг асосида нима туришига эътибор қаратилган:

**Чин сўз – мўътабар, яхши сўз – муҳтасар.**

Демак, инсоннинг мўътабарлиги, буюклиги унинг чин сўзлари билан белгиланааркан. Ўзбек халқ мақолларида “Бошингга қилич келса ҳам, тўғри гапир”, – деб бекорга уқтирилмаган. Тўғрилик, ростгўйлик, ошкоралик кишини ёмонликлардан сақлайди ва фақат яхшиликлар сари бошлайди. Тўғри сўзли одам бирор жойда панд өмайди, ноқулай аҳволга тушмайди ва умрини хотиржамлик билан ўтказади. Умр хотиржамлиги эса кишининг саломатлигини, ҳузур-ҳаловатини таъминлайди.

# ВАТАНПАРВАРЛИК

Инсониятнинг буюк фарзандлари, улуғ мутафаккирлар ҳам ўз ижодлари ва амалий фаолиятларида Ватанга бўлган юксак муҳаббат ҳиссини намойиш этганлар. Улар билдирган фикрларга мурожаат қилиб, ватанпарварликнинг эл-юрт ташвиши ва манфаатлари билан ҳамоҳанг эканлигини, инсоннинг камоли ватанинг юксалиши билан боғлиқлигини англаб етиш қийин эмас.

Ота-боболаримиз Ватани севмоқ – иймондандур, деб бежиз уқтиришмаган. Ватани бор одамнинг ғурур-ифтихори юксак, мақсад-муддаоси аниқ бўлади. Ватани борлигини ҳис этган инсон ҳар қандай синовга, ҳар қандай машаққатга доимо тайёр туради. Тўмарис, Широқ, Спитмон, Жалолиддин Мангуберди сингари халқ қаҳрамонларининг жасорати, Ватан озодлиги йўлидаги мардлиги ва жонбозлиги юқоридаги фикримизнинг ёрқин намунасиdir.

Ватандан бегоналashiш эса юрт тақдирига лоқайдлик ва бефарқлиқда кўринади. Машхур файласуфлардан бири бефарқлик ҳақида шундай ёзади:

“Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам. Фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”.

Шундай экан, ҳар бир инсонда ватанига, уни ўраб турган атрофга нисбатан даҳлдорлик ҳисси, масъулият ҳисси шаклланган бўлмаса, уни комил инсонлар сирасига киритиб бўлмайди. Инсон камолоти, юксак маънавияти унинг ватанига бўлган меҳр-муҳаббати ҳамда садоқати билан ўлчанади.

# ДАВЛАТ ТИЛИ

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир, деб таъкидланади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида. Демак, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро давлат тилига эътиборли бўлиши ва давлат тилида иш юритишни билиши шарт. Она тилимизнинг давлат тили мақомини олиши аждодларимизнинг асрий орзуси эди. Ўзбек тилининг давлат тили даражасига кўтарилишида Алишер Навоий, Захириддин Бобур, Зокиржон Фурқат, Муқимий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Ризо Оғаҳий, Ҳамза, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби буюк бобокалонларимиз ва бошқа сўз усталарининг хизматлари катта. Биз ана шундай боболаримизнинг улкан меросини билмасдан туриб, давлат тилининг қадр-қиммати ва мазмун-моҳиятини англаб олишимиз ҳам амру маҳол. Миллат равнақи учун она тилининг нечоғли аҳамиятга эга эканлигини ҳар бир инсон, аввало, юрақдан ҳис қилиши керак.

**“Маълумки, – деб ёзади Президентимиз И. А. Каримов, – ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”.** Аммо кундалик ҳаётда билиб-билмай турли тиллардаги сўзларни аралаштириб гапирадиганлар ҳам бор. Кўпинча буни билимдонлик, маданиятлиликка ҳам йўйишиади.

# “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”

Ўзбек педагогикасининг асосчиларидан бири Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарларида она тилимиз ҳақида шундай фикрларни баён қиласидилар:

“Хифзи лисон деб ҳар бир миллат ўз она тили ва адабиётини сақламагини айтилур. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти – тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур. Ҳайҳот! Биз туркистонликлар миллий тилни сақламак бир тарафда турсин, кундан-кун унутмак ва йўқотмақдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилуб, бир четига рус тилини ҳам ёпиштирмақдадурмиз. Дуруст, бизларга ҳукуматимиз бўлғон рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур. Зигир ёғи солуб, мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадур” (Қаранг: Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т. 1992. 32- бет).


Албатта, тилнинг соғлиги учун ҳар биримиз масъулмиз. Хорижий тилларни ўрганиш она тилини унутиш ҳисобига эмас, балки она тилини янада чуқурроқ ўрганиш асосига қурилиши керак. Бугунги кунда барча соҳаларда бўлаётгани сингари, она тилимиз ва у билан боғлиқ муаммолар ҳам аста-секин ўз ечимини топмоқда.

Айтишимиз мумкинки, миллий ифтихоримиз, миллий ғуруримиз негизида, ҳеч шубҳасиз, миллатимизнинг тили турди. Ўзбек тили – ўзбек халқининг бебаҳо хазинаси, унинг маънавияти ва маданиятининг асосидир.

# ТИЛ ВА ЖОЙ НОМЛАРИНИНГ МАФКУРАВИЙ АҲАМИЯТИ



52-rasm. Ulug'bek madrasasi. Umumiy ko'rinish. Samarqand.



Хева. Ичанқалъа. Мухаммад Аминхон мадрасаси ва Калта минор.  
1851—1852 йиллар.

Кейинги йилларда жадал ривожланишга йўл тутган соҳалар – бу ономастика ва топонимикадир. Ономастика термини юононча **ονομαστικ** – ном бериш санъати, яъни тилдаги қар қандай атоқли отларни тадқиқ қилувчи соҳа. Кишилар, ҳайвонлар, шаҳарлар, ҳудудлар ва бошқаларга атаб қўйилган исмлар, тахаллуслар атоқли отлар ҳисобланади. Масалан, **Навоий**, **Бобур**, **Йўлбарс**, **Тошкент**, **Марказий Осиё** каби. Топонимика термини юононча **topos** – жой, **ονομα** – исм, ном демакдир. Яъни Ер юзининг қуруқлик қисмида жойлашган табиий-жуғрофий ва сунъий (инсон яратган) обьектларнинг атоқли оти.

Ономастика ва топонимика соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, деярли барча вилоятлар топонимикаси юзасидан 20 га яқин илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Улар Қашқадарё вилояти (Т.Нафасов, Т.Эназаров, О.Бегимов), Сурхондарё вилояти (Ё.Хўжамбердиев, Х.Холмўминов), Самарқанд вилояти (Т.Раҳматов, Н.Бегалиев, А.Туропов), Сирдарё вилояти (Н.Мингбоев), Тошкент вилояти (М.Рамазанова), Бухоро вилояти (С.Наимов, А.Аслонов), Навоий вилояти (Ў.Орипов), Жиззах вилояти (А.Зокиров), Фарғона вилояти (Н.Охунов, С.Губаева, Ж.Латипов), Хоразм вилояти (З.Дўсимов, А.Отажонова), Тошкент шаҳри (Ш.Қодирова), Шимолий ўзбек шевалари топонимияси (Л.Каримова) ва бошвалар.

Топонимик терминологияни ёки номларни 3 га бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган исмлар.
2. Ўзбек топонимиаси ривожи жараёнида яратилган янги исмлар.
3. Хорижий тиллардан ўзлаштирилган исмлар.

Ҳаммамизга яхши маълумки, ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган айрим топонимик номлар миллий анъаналаримиздан йироқ ва умуман жойларимизга алоқаси бўлмаган исмлардан иборат эди. Масалан, Маркс, Энгелс, Ленин, Оржаникидзе, Калинин, Свердлов, 14 комиссар, Халқлар дўстлиги, Горкий, Победа ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида жой номларини қайта кўриб чиқиши, топонимик комиссия иш бошалагандан буён мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларида миллий анъаналаримизга мувофиқ номларни танлаш, алоҳида хизматлари бор инсонларнинг номини абадийлаштириш кабиларга биринчи навбатда эътибор қаратилди ва бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда кўпгина жойлар, кўчалар, бекатлар ва бошқалар янги номлар билан аталмоқда. Масалан, Шайхонтохур, Олмазор, Музрабод, Қизириқ, Буюк ипак йўли, Бунёдкор ва Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Бобур боғлари ва б.

Топонимик исмлар орасида баъзан хорижий сўзлар билан аташ ҳам кўзга ташланади. Масалан, Вестрн Унён, Интернейшн, Интер Континертал, Континерт, Изгара кабоб ва ҳ.

**Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жойларга исм қўйишнинг ҳам мамлакатимиз ва халқимиз равнақи учун, келажак учун, етишиб келаётган ёш авлод учун тарбиявий аҳамияти жуда катта. Шундай экан, жой номларини қўйишда миллий анъаналаримиз, халқимизнинг тарихи ва хизматларини эътиборга олиш зарур.**